



**БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!**

1-avgust  
2024-yil 31 (1081)



# XXI ASR

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI

XXIasrgazetasi @ asr\_xabarlari\_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

© 21asr.uz



*Диёра  
Келдиёрова*

## “ТОКИО-2020”ДАН КЕЙИН УЧ ЙИЛ УХЛАЙ ОЛМАДИМ”

Диёра  
Келдиёрова  
Ўзбекистон  
тариҳидаги  
ёзги олимпия  
ўйинларида  
олтин медалга  
сазовор бўлган  
илк аёл спортчига  
айланди.  
Юксак шоҳсупада  
севинч тўла  
кузёшларини

тиёлмаган  
Диёранинг  
Олимпиада  
чемпионлигига  
қадар босиб  
утган йўли осон  
кечмаганини  
ушбу зарҳал  
ҳарфларда  
битилган  
маълумотлар ҳам  
тасдиқлайди:

6

**“Нанкин-2013”**  
— ёшлар ўртасидаги  
Осиё ўйинлари бронза  
медиали соҳиби (-44 кг);  
**Кадетлар ўртасидаги**  
жаҳон чемпионати  
(2015) олтин медиали  
соҳиби (-48 кг);  
**Ўсмирлар ўртасидаги**  
Осиё чемпионати  
(2018) бронза  
медиали совриндори  
(-48 кг);  
**Осиё чемпионати**  
ғолиби (-52 кг)  
— 2019 ва 2022 йиллар;  
**Осиё ўйинлари ғолиби**  
(-52 кг) – 2023 йил;  
**Жаҳон чемпионати**  
кумуш медиали соҳиби  
(-52 кг) – 2023 ва  
2024 йиллар;  
“Катта дубулға”  
турнири 5 карта  
ғолиби (-52кг) – 2021,  
2022 (икки марта),  
2023 ва 2024 йиллар;  
“Париж-2024”  
Олимпиадаси  
чемпиони!



2

### ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

ТЕЗЛАШМОҚДА

Яром ийллик якунлари Ўзбекистон иқтисодиётининг  
ўсиш суръатлари тезлашётганини кўрсатади.  
Зеро, Жаҳон банкининг шу йил июн ойидаги янги  
прогнозларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2024  
йилда 5,3 физоиз ўсиши кўрсатилган эди. Жаҳон  
банкининг ривожланаётган мамлакатлар учун ялпи  
ички маҳсулотнинг ўртача ийллик ўсиши 2024-2025  
ийларда 4 физ бўлиши кўтилаётгани ҳақидаги  
хисоботидан хуласа килинса, Ўзбекистон эришган  
нотижалар анча салмоқли эканлигини кўрамиз.



5

### САЙЛОВ ВА ДУНЁ

Бугун ер юзи бўйлаб миллиардлаб  
инсонлар САЙЛОВ атамли жараёнда  
фаол иштирок этишади. Сутнинг  
юзида қаймоини тобига келтириб,  
сидириб олиш учун вақт керак бўлгани  
сингари, ушбу сиёсий танловнинг  
сайлов бўйлаб этилиши учун ҳам хийла  
муддат ва курашлар керак бўлган.

САЙЛОВ-2024

## ВАЬДА ЭМАС – НАТИЖА, ЭРТАГА ЭМАС – БУГУН!



2024 йил...

Балки Гиннеснинг  
рекордлар китобига  
“Энг кўп сайловлар  
ўтказилган йил”  
сифатида киритилиши  
эҳтимоли юқорироқ  
дайишмоқда  
тахлилчилар. Боиси,  
жорий йилнинг  
ўзида дунёнинг **60 та**

девлатида сайловлар  
бўйлаб ўтар экан. Қизиги,  
тахминий хисоб-  
китобларга караганда,  
бу сайловларда

**4 миллиард 200**  
**миллион** киши,  
яна ҳам соддарок  
айтадиган бўлсак, дунё  
ахолисининг қарийб **50**  
фоизи иштирок этиши

кутилаётган экан.  
Эътиборли жиҳати, ана  
шу жараёнлар орасида  
Ўзбекистонда

**27 октябрь** куни  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси ва  
маҳаллий кенгашларга  
бўйлаб ўтадиган  
сайловлар ҳам  
бор.

3



4



5

### САЙЛОВ ВА ДУНЁ

Бугун ер юзи бўйлаб миллиардлаб  
инсонлар САЙЛОВ атамли жараёнда  
фаол иштирок этишади. Сутнинг  
юзида қаймоини тобига келтириб,  
сидириб олиш учун вақт керак бўлгани  
сингари, ушбу сиёсий танловнинг  
сайлов бўйлаб этилиши учун ҳам хийла  
муддат ва курашлар керак бўлган.





# ВАЪДА ЭМАС – НАТИЖА, ЗРТАГА ЭМАС – БУГУН!

АНА ШУНДАЙ ҲАЁТИЙ ШИОР ОСТИДА O'zLiDeP САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА КИРМОҚДА

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

27 юлда Тадбиркорлар ва ишбильармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XVII мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенга аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар гурухлари вакиллари, партия фоаллари иштирок этди.

Ингилишда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бошланниши эълон қилинган туфайли ушбу сиёсий жараёнда партиянишни иштироки масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенга Ижроия қўмитаси раиси Акташ Хайтов Парламент қўйи палатаси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда партиянишни фаол иштирокини таъминлаш борасидаги айрим устувор ва-заифалар тўғрисида атрофлича тўхтади:

„...Бу йил сайлов аввалигиларидан фарқли равишда амалдаги қонунчиликка кўра, аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтади. Бунда сайловчilar парламент депутатларининг бир қисмини партияларнинг номзодлар рўйхатига овоз бериш орқали сайлашади ва қолган мандатлар мажоритар тартибда, алоҳида номзодларга овоз бериш орқали сайланади.

Аралаш сайлов тизимида муваффакиятга эришиш учун партия мослашувчан, кўп қиррали ва стратегик ёндашувни қўллаши керак. Бу тизим партияни ҳам маҳаллий, ҳам миллӣ даражада фаол бўлишга ундиҳи да унинг сиёсий маҳоратини синовдан ўтказди.

Окоридагиларнинг барчаси буғуни вазиятини тўла хис қилган ҳолда бўлаётган сайловларда O'zLiDeRning фаол иштироки билан боғлиқ масалага жавоб беришимизни талаб қилади“.

Дарҳаққат, мазкур сайлов янгилangan Конституция кучга кирганидан кейин илк бор бўлиб ўтётган ўта муҳим сиёсий жараёндир. Конституцияда белgilab қўйилган муҳим қоида – давлатнинг демократик йўлдан тараққий этишини таъминловчи асосий омил айнан сайловлар эканлиги, ҳокимиятнинг ягона маబанд бўлган ҳалқ ўзининг ушбу ваколатини айнан сайловлар орқали амалга оширади.

O'zLiDeP сайловларга уларнинг мамлакатимиз, ҳалқимиз келажаги учун муҳим сиёсий аҳамиятидан келиб чиқиб ёндашмоқда.

– Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қарашмада, – дей сўзида давом этди Акташ Хайтов. – Сайловлардаги иштирокимиз биз учун фақатнина парламент ёки ҳалқ депутатлари ҳудудий кенгашларидан олинадиган ўринларгина эмас. Аслида бунинг асосида жуда катта бир мақсад, интилиш ётибди.

**Бизнинг мақсадимиз – мамлакатимизда 2017 йилда бошланган, „Янги Ўзбекистон“ни барпо этиш, инсон кадрларни улуғлаш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлишини таъминлаш!**



ана шу мақсад учун мавжуд! Сайловлардаги муваффакиятли иштирокимиз ушбу мақсадлар амалга ошишига ҳам хизмат қилади.

Ўтган даврдаги фаолиятда, турли қаорлор қабул қилинча партияниш ҳамиша электорати, хайриоҳлари билан маслаҳатлашди, уларнинг фикри, талаб-истакларига қулоқ солди. Бўлажак сайловда ҳам ана шу принципларимизга содик қоламиз. Ҳалқ ичига янада чукуроқ кириб борамиз, бу борода янгича, янада самаралироқ услублар, ёндашувларни қўллаймиз. Аҳоли дарди – бизнинг дардимиз бўлади! Кўмакка муҳтоҷ ҳар бир инсонга ёрдам берамиз, муаммосига ечим топамиз!

Ниҳоят анжуман иштирокчilari O'zLiDeRning бўлажак сайловда фаол иштирок этиши тўғрисидаги қарорни бир овоздан маъкуллашади.

Ва яқин кунларда Марказий сайлов комиссиясига Сиёсий Кенгашининг партияниш сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини ўзида акс эттирган мурожаатномасини топширади ва сайловчilар имзоларини тўплашади.

Ингилишда партияниш мазкур сайловда иштироки билан боғлиқ барча масалаларни атрофлича мувофиқлаштириб борадиган сайловолди штабини ташкил этиш ҳамда штабга партия фасллари билан бир қаторда замонавий сайлов технологиялари ва тарғибот йўналишида етук билимга эга мутахассисларни жалб этиш



олдимиздаги асосий мақсад деб биламиз!

Шунинг учун сайловда қатнашамиз ва ана шу эзгу, юксак мақсадлар учун курашамиз!

Қайд этиш жоизки, O'zLiDeRning бўлажак сайловда фаол қатнашиши лозимлиги чиқишидан олдин ҳалқимизни таъминлаштириб кечик ташкилотлари, ҳудудий кенгашларидан фаолият юритаётган барча фаоллар, аъзолар, тарафдорлар, қолаверса, партия электорати томонидан бир овоздан, я-

рақобатчи бўладиган сиёсий партиялар ҳам мазкур жараёнга катта тайёргарлик, кучли рабат билан кириштагини англаш қийин эмас.

– Биз ўз сайловолди дастуримизни ишлаб чиқишидан олдин ҳалқимизни қўйнаётган муаммоларни атрофлича ўрганишга, одамларни ўйлантирган масалаларнинг моҳиятига этишига ҳаракат киламиз, бунчук учун кенг қарори жамоатчилик эшитувларини ташкил этишим ҳамда муаммоларнинг ечими устида эксперталаримиз билан бирга ишлаймиз, – дей таъкидлadi O'zLiDeP раиси ўз нутқида.

– Шу асосда партияниш 2024 йилги парламент сайловларига ўзининг мутлақа янги стратегияси билан кириб келмоқда. Ушбу стратегия доирасида O'zLiDeP ҳалқ қўнглига янада фаолроқ на зар ташлаиди. Биз уйма-уй юриб, уч миллиондан ортиқ хонадонга кириб чиқишни, ҳар бир сайловчiga ғояларимизни етказишни, уларнинг таклиф-мулоқазаларини олиши мақсад қилдик.

“Ҳамма нарса инсон учун” фося асосида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакиятini таъминлаш учун ўзини масуль деб билган O'zLiDeP бу ягона тўғри йўл, яқдил оқилюна стратегия деб билади.

Ингириш йилдан ортиқ вақт мобайнида биз манбаатларини ҳимоя қилиб келаётган жамиятимизнинг етакчи кучи – ишбилиармонлар, тадбиркорлар, фермерлар, қолаверса, ёшлар ва партияниш ғояларини кўллаб-куватловчи бошқа табака вакиллари орзу-истакларини рўёбга чиқаришга бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Айтиш мумкинки, партияниш

бўйича аниқ вазифалар белgilандi.

Мажлис иштирокчilari – парламент қўйи палатасидаги партияниш фракцияси вакиллари, вазирлик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, O'zLiDeP вилоят кенгашлари раислари, депутатлар, тадбиркор ва фермерлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифларни билдирилди.

Қатнашчилар таъкидлаганидек, бўлаётган сайловда муваффакиятли иштирок этиши ва кўзланган натижаларга эришиш учун юртимиз сиёсий саҳнасида кенг имкониятлар, O'zLiDeP фаолларида эса етариш куч, таҳрика ва салоҳийат бор.

Партияниш ислоҳотларнинг янги босқичида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараёнларга таъсирини сақлақ қилиши, жамиятдаги ижтимой-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳисса қўшмоги лозим. Бинобарин, барча имкониятларимиз, ортигриган таҳрибамиз белгиланган мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришга қаратилиши керак.

Ингилишда партияниш I конгрессини чақириш ва шу муносабат билан ҳудудий партия ташкилотларининг конференцияларини ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқиши.

Самимий ва қизғин муҳокамаларга бой тарзда ўтган Сиёсий Кенгаш ингилиши сунгиди кириб чиқилган барча масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ, “XXI asr” мухбири.

Суратларни Сардор АМИНЖНОВ олган

# МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА БИР ТАНУ БИР ЖОНМИЗ

Жорий йилнинг 26 июляда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Ингилишда O'zLiDeRning 2024 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш, партия Сиёсий Кенгашининг набатдаги мажлисини қақириш каби масалалар муҳокама қилинди.



– Сайлов ҳар доим ўзига хос сиёсий синов вазифасини ўтайди, – деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Акташ Хайтов. – Айниқса, парламент ҳамда маҳаллий кенгашларга сайланажак ҳалқ вакиллари учун икки карра жиддий имтиҳон бу. Негаки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги этии ўзил ичади, энг аввало, “Инсон қадри учун!” тамоили асосида олий бориляётган изчили ислоҳотлар, қолаверса, одамларни рози килиш йўлидаги хайрли саъ-ҳароатларда партиянишнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш ўрнини деб ўйлайди.

Ингилишда фаоллар, жамоатчилик вакиллари томонидан партия тузилмаларини бўлажак сайловга қандай тайёргарлик кўраётгани бўйича ҳам тақлиф ва тавсиялари тингланди.

Партияниш барча бўғинлари фаолиятини мувофиқлаштириб мақсадида марказий шунингдек, ҳудудий сайловолди штаблари фаолиятини йўлга кўшиш, штаблар таркибига замонавий сайлов ва сиёсий технологияларини пухта биладиган муносиб кадрларни жалб этиши ва барча зарур шароитларни яратиш билан боғлиқ муҳим вазифалар кириб чиқишиб, партия марказий аппарати ҳамда ҳудудий кенгашларига тегиши топшириклар берилди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, сайлов эълон қилингандан кейин сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган энг муҳим вазифалардан бири сайловчilар имзоларини тўплаш саналади. Мажлисида бўлажак сиёсий жараёнда қатнашиш учун O'zLiDeRning кўллаб-куватловчи сайловчilар имзоларни тўплаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича вазифалар белгиландi.

Маълумки, сайловда ҳар қандай сиёсий кучнинг муваффакиятта эришиши, биринчи навбатда кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу муносабат билан O'zLiDeP амалий лойиҳалар ҳамда сиёсий таълим маркази базасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ҳалқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар кенгашлари де-путатлигига партиянишдан кўрсатиладиган номзодлар, кузатувчilар, ваколатли ва ишончли вакиллар учун маҳсус ўкув-семинар ўтказиш мақсадида тегиши ташкилилор чораларни кўришга доир режалар мухокама қилинди.

Шунингдек, мажлис кун тартиби доирасида партияниш Марказий сайлов комиссиясидаги ваколатли вакилини белгилаб олиши масаласи ҳам кўриб чиқиши да варчча масалалар юзасидан ҳам тегиши қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

# O'zLiDePДА ЎЗИМНИ ТОПДИМ

Дастурда қайд этилишича, бу гурух одамларнинг энг ижтимоий фаол, иқтисодий мустақил тоифаси бўлиб, мамлакатимизнинг моддий ва манавий бойикларини яратиш ва кўпайтиришда улкан роль ўйнайди. Шакланаётган фуқаролик жамиятининг таянчи ва асоси, ислоҳотларга оид ғоялар ташувчиси ва амалга оширувчиси хисобланади. Бу – амалий ташкилотчилик тажрибасига эга, ўз қадамларини олдиндан мўлжаллайдиган ва уларнинг оқибатлари учун масъул бўлган одамлардир. Бу – аввало, ўз меҳнати, иродаси ва энергияси билан фаровонлика эришадиган, келажагини ер билан боғлайдиган, ўз тақдирини, фарзандлари тақдирини Ватан тақдиридан ажратмайдиган, барқарор ва кучли фуқаролик позициясига эга бўлган, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ҳал қилиниши, жамиятда баркарорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун масъулиятни хис қилувчи одамлардир.

Сиёсий куч ана шундай электоратини турли лойиҳалар, кўрик танлов ва беллашувларда кашф этади, иқтидорларини намоён этишига кўмаклашади. 2012 йилдан бери мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси ҳам партиямизнинг энг самарали лойиҳаларидан бирори хисобланади.

Амалий ўкув-семинарлар, маҳорат дарслари тарзида олиб бориладиган ушбу лойиҳа ўз олдига қатор мақсадларни кўйган.

#### Жумладан:

- хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириши, касб-хунарга ўқитиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириши;

– Президентимизнинг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириши ва ахолининг даромад манбанин кенгайтиришга доир кўшишим ча-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ва тегигли қонунчи хужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг омма, хусусан, хотин-қизлар орасида тартибот-ташвиқот ишларини янада хонлантириш;

– хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини ўйлга қўшиши учун субсидиялар ахлатилишига кўмаклашиш, шунингдек, ўзини-ўзи банд қилиш истигади бўлган хотин-қизларни партия сафирадиги илфор тадбиркорлар кўмакида меҳнат куроллари билан таъминлаш;

– “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

## КУТИЛГАН САМАРА – 10 000 ГА ЯҚИН ИШ ЎРНИ!

– Партиямиз дастурига биноан, тўлиқ бандлар ва барча учун муносиб иш ўрни яратиш ижтимоий соҳанини ривожлантириш борасидаги асосий вазифаларимиздан саналади, – деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ихроио кўмитаси аёлларнинг сиёсий фоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқенини ошириш бўлими мудири Севара Муслимова. – Шунингдек,



мехнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш ва ишсизлидан химояланиш, профессионал имкониятларини намоён этишига бўлган хуққуқ инсоннинг индивидуал хукуқ ва эркинликларининг ажралмас ва муҳим қисми – жамиятнинг олий қадрингиди.

Биз фуқароларни муносиб иш билан таъминлаш, тўлиқ ва самарали, оқилона бандлиги ва бугун тенг қўйматли меҳнатни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорининг мувозанатланганлиги ва инфратузилмасин таъминлаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворлиги сифатида иш-сизлик дарражасини қисқартириш масалаларини кўриб чиқамиз.

## БУНЁДКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

O'zLiDeP мулкдорларнинг ўрта синфи, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, ўзининг тадбиркорлиги ва хусусий ташаббусни ривожлантириш эвазига халқ фаровонлигини оширишга интилевчи барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаб ва ҳимоя қилиб, жиддий сиёсий тажриба ортириди. Партия, энг аввало, ушбу ижтимоий гурӯхлар манфаатларини ифодалайди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –  
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастуридан.**



Таъкидлаш керакки, “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси ўз кутилган натижасини бермоқда. Ушбу лойиҳа доирасидан республикамиз бўйлаб маҳорат-дарслари, ўкув-семинарлари ташкиллаштирилди. Бу сабоқлардан руҳланиб, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошламокчи ёки фаолиятини янада кенгайтироқчи бўлган ишбильармонлар, томорқачилик, фермерлик, хунармандлик, касаначилик билан шуғуланаётган 8 279 нафар хотин-қизга етакчи тиҷорат банкларидан 68 млрд 460 млн сўм миқдорида кредитлар олишда кўмаклашилди. Натижада 10 000 га яқин янги иш ўрни яратилди!

### БИТТА МАҲОРАТ ДАРСИДАН СҮНГ...

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг мустаҳкамлаштириш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хунармандчilik, касаначилик соҳаларига кенг жалб этиш ҳамиса эътиборда. Шунингдек, бугунги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамиятимизнинг илфор қатлами бўлмиш тадбиркор, фермер хотин-қизларга етказиш, тажрибаларини оммалаштириш, за-

монавий экспортбоп ва рақобатдош махсулотларни ишлаб чиқариш, жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш юзасидан тизимили ишларни амалга оширилмоқда.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” бўллими томонидан “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида



Урганч шаҳридаги “Darital Shoes” масъулияти чекланган жамиятида ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар учун маҳорат дарси ташкил этилди. Ўнда ўнга яқин ишсиз хотин-қизлар иштирок этиб, жамият фаолиятидан энг керакли тадбиркорлик кўнникмаларини, мавқуд имконият ва имтиёзлардан тўлақонли фойдаланиш тартиблари тўғрисида зарур маъмутларга эга бўлишиди.

Хозирги кунда корхонада 60 дан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият олиб боради. Италия, Германия технологиялари асосида кунига 10 турдан ортиқ 200 жуфт пойбазал ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларни воҳадат ташқари, Тошкент, Самарқандга дўконларида ҳам сотиш билан бирга, ташки бозорга, яъни, Россия, Қозоғистонга ҳам экспорт килиш йўлга кўйилган. Жорӣ йиллинг ўзида 150 минг долларлик экспорт амалга оширилди.

Корхона фаолияти янада кенгайтирилиб, аёллар учун ҳам пойбазал ишлаб чиқариси йўлга кўйилмоқда. Бу эса эндилиди янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлади.

– Бу ерда 5 йилдан бўён ишлайман, – деди корхона ишчиси Гулнора Авазметова. – Ишимдан жуда мамнунман. Чунки бу ерда шарт-шароит, ойли машибларимиз яхши, шу орқали рўзгорим бутун. Бундан ташқари, жамиятимиз раҳбарининг бизга эътибори азло даражада. Ҳар бир ишчига турмуш тарзи, муаммоси, соғлиги билан алоҳида кизиқиди ва уни бартараф этиш бўйича ўз тавсиялари ҳамда ёрдамини аямайди.

Маҳорат дарсидан катта қизиқиш, интилиш олган Маъриғат маҳалласидаги 4 нафар хотин-қизнинг ишлаш чиқиши юртёни ортгидан улар иш билан таъминланганни лойиҳанинг ўрни катталигини кўрсатади. Зоро, хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга тўғри ҳаётлий кўнник ма бера олиш асосий максадлариданди.

Урганч туманидаги “Истиқол лаззати” масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган маҳорат дарси ҳам бесамар кетмади. 2013 йилда 5-6 нафар ходим билан иш бошлаган корхонада бугунгун кунда 80 нафар ишчи меҳнат килиммоқда. Шулардан 70 физиини ёшлар, хотин-қизлар ташкил қиласди.

Жамият ишчига тарзи, компютерлаштирилган дасточхолар билан жиҳозланган. 30 дан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Замонавий технологиялар Туркия, Хитойдан келтирилган. Шириналликларига талаб катта.

– Тадбиркор деганда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафакат ўзи ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбильармон инсонларни тушунилади, – дейди корхона бош мутахассиси Дилбар Ҳудайберганова.

– Давлатимиз томонидан тадбиркорларга кўрсатиладиган алоҳида эътибор куч-ғайрат билан меҳнат қилишига уйдайди. Ишбильармоннинг энг муҳим жиҳати бозор имтиёзидебети талаблари асосида иш олиб боришади. Корхонада келгусида ишлаб чиқарши таомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш, экспортни ҳам йўлга кўйиш режалаштирилмоқда. Бу эса юртимиз имтиёзидебетини янада оширишга хизмат қиласди.

### ИЛК ҚАДАМНИ ТАШЛАШДАН АСЛО ЧЎЧИМАНГ!

Давлатимиз раҳбари ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириш, ойма-оӣ молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддадлаштирилган кредит ва грантлар ажратиш бўйича бир қатор топшириқлар бермоқда.

Аёллар ишбильармонларигини ривожлантиришга қартилаётган бундай эътибор ва имтиёзлар Поп туманидаги “Махлиё дизайн” корхонаси раҳбари Махлиё Исмоилова кати аниқ мақсад томон дадил интилаётган фаол аёлларга яна-да куч-ғайрат бағислашмоқда. Бу ерда маҳалладаги ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар учун ташкил этилган маҳорат дарсидада 20 га яқин опа-сингиллар иштирок этиди. Тадбиркор Махлиё Исмоиловадан энг керакли маслаҳатларни, тадбиркорлик кўнникмаларини, мавқуд имконият ва имтиёзлардан тўлақонли фойдаланиш тартиблари тўғрисида зарур маъмутлар олишиди.

– Иш бошлашдан, тавакъаличиликдан ҳеч қачон кўркманг, – деди Махлиё Исмоилова йиғилганларга қаратади.

– Машаққатсан ишнинг ўзи бўймайди, ҳар бир фаолият аввалида таҳжисасиз, ҳадискираш, иккиланиш тудғайли турли муаммолар бўлиши табий. Аммо уларнинг барзи вақт ўтиши, ўрганиши, тажрибасизларни алмашши ва илим тудғайли бартараф этилиб бораверади. Бу босқични туманинг ўзмагча бўлади. Бугунги имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиш қолинг. Илк қадамни ташлашдан асло чўчиманг.

Тадбирдан сунг хотин-қизлар Махлиёни ўраб олишиб, саволларни ёғдира бошлашди. Демак, ҳадемай бизнес лойиҳа тушиб, иш бошлайман деган аёллар юзага чиқади. Илк қадам аслида қалбда эзгу ва бунёдкорлик ниятигининг ҳосил бўлишидир, шундай эмасми?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI аср” мухбири



## “ГЕНДЕР” НОТЕНГЛИКМИ БУ?

...63 йил давомидаги Чилида эркаклар ва аёллар сайловда алоҳида-алоҳида овоз берил келишиган. 2012 йилга келибгина бу бемаъни коюда расман бекор килинди. Баридир “Үрганган күнгил ўртанса кўймас” деганларилик, айрим ўжар чилилар ҳамон ўз худудларида бу “анъана”га содик қолишишада.

## ГАМБИЯЧАСИ ЖУДА ФАЛАТИ ЭКАН

...Гамбияда фуқаролар номзодларнинг сурати туширилган ногорасимон метал идишларга мармар тошча ташлаб, ўз сиёсий иродасини намоён этишиди. Кимдир сайлов қутисига икки-чута “овоз” ташлаб юборса, маҳсус кўнғироқча жаранглаб кетиб, ғирром сайловчини фош этаркан.



Бугун ер юзи бўйлаб миллиардлаб инсонлар САЙЛОВ аталмиш жараёнда фаол иштирок этишиди. Сутнинг юзидағи қаймогини тобига келтириб, сидириб олини учун вақт керак бўлгани сингарни, ушбу сиёсий таинловнинг сайлов бўлиб этилиши учун ҳам хийла муддат ва курашлар керак бўлган.

Хўш, биз дунёй сайловлари ҳақида нималарни биламиш? Ушбу сиёсий тадбирлар тарихига хеч қизиқиб кўрганмисиз? Қайси давлатларда сайлов ихтиёрий, қайсларида мажбурий?

Келинг, бу ҳақда кўйидаги даилиятлар орқали батафсили танишамиз.

### САЙЛОВЛAR ТАРИХИ

...Илк сайловлар милоддан аввали VI асрда қадимги Юнонистонда, кейинчалик Рим республикаси ҳам бўлиб ўтган. Иккада давлатда ҳам бу жараёнда фақатигина озод эркаклар қатнаша олган. Аёллар ва кулларга овоз бўлиши курилмаган.

Манбаларга кўра, Афинада сайловлар кам бўлган. Чунки афиналиклар сайланиш ҳукуқи бой ва камбағалларга бирдек берилиши керак, деган қарашда бўлишган. Бу эса бойларга ёкмаган.

### НАФАҚАТ САЙЛANIШ УЧУН...

...Афинада ўз лавосимига нолойик бўлган мансабдорлар сайлов орқали четватилган. Мансабдор хато қильса, у маҳсус “остракизм” таинлов орқали ўн йилга суругн килинган. Бу таинвода ассамблейнинг ҳар бир аъзосига кичин бир бўлак сопол топширилган ва кувинга лойиқ бўлган одамнинг исмими ёзиш кераклиги айтилган. Агар камид 6000 киши бир хил исмни ёза, ўша одам Афинадан бадарга қилинган...

### БАҚИР-ЧАҚИРЛАР ОРҚАЛИ

...Спартанинг юқори бошқарув органларидан бироқсоцлар кенгаши бўлиб, у иккиси спарталик кирол ва 60 ёшдан ошган 28 нафар умрбод сайланган амалдорлардан иборат бўлган.

Ҳар бир номзод навбатма-навбат катта мажлислар хонасига кириб борган, одамлар эса бақириб, уни олишишган. Кўнши хонада ҳақамлар ғолибларни танлаш учун ҳай-қириклар баландлигини солишишган.

### ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

...Рим республикасида сайловларда овоз бериш худди Афинадаги каби бошланган, дастлаб мажлислинг ҳар бир аъзоси кўй кўтариб, очиқ овоз берган. Аммо вақт ўтиши билан бойлар Рим ассамблейаси аъзоларига босим ўтказа бошлигандан. Шундан сўнг, милоддан аввали 139 йилда Римда яширин овоз бериш жорий қилинган. Унда сайловчilar ташки томони мум бўлан қопланган ёғочга ўзи маъзул топган номзоднинг исмими ёзиб, сайлов қутисига улоқтирган.

### ТАШВИҚОТ-ТАРГИБОТ ТАРИХИ

...Сайловолди кампанияси қачон пайдо бўлган, айта оласизми? Милоддан аввали 139 йилларда номзодлар ўзларини қаттиқ реклама қила бошлигандан. Ҳаттоқи археологлар Помпей деворларига ёзилган юзлаб кўнха тарғибот реклами ёзувларини топишган. Римда номзодлар базмлар уюштирган, турли совғалар бериди, сайловчilarни ўз томонига оғдиришига уринишган.

### НЕГА НУҚУЛ ЯКШАНБА ТАНЛАНАДИ?

Анъанага кўра, одамлар фақат якшанба – халқ тили билан айтганда, “бозор” куни бемалол нафасни ростлаб олиши азалдан мәълум. Табийки, сиёсатчilar ҳам биз-

# САЙЛОВ ВА ДУНЁ

### БОЛТИҚБҮЙИДА ЭСА...



Эстонияда сайловлар онлайн шаклга ўтказилганига карий 20 йил бўлган. Бироқ бу имкониятдан ҳозиргача сайловчиларнинг бор-йўғи 30 фоизигина фойдаланибди. Қолганлар эса анъанавий усул – кути ёнига бориб овоз бериси афзал билиб, сайлов участкаларига чиқишида давом этишишада.

### ЮГУРГАННИКИ ЭМАС, БУЮРГАННИКИ

Буюк Британияда XVIII-XIX асрларда сайловолди нутқарини сўзлаш жуда мураккаб бўлган. Жумладан, сиёсий митинглар чоғида сайловчilar ўзига ёкмаган номзоднинг маърузасини тингламаслик учун саҳнага турсарларни улоқтиришган.

Шунингдек, у пайтлари бирор овоз кучайтириш мосламалари мавжуд бўлишган. Шу бойис номзодлар микрофониз бор овози билан, устига устак турли ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай маъруза қилган.

Шундай номзодлардан бирни Генри Броугхам Ливерпулда сайланыш учун ташвиқот давомида 206 маротаба оммавий нутк сўзлган. Бундай чиқишларни чоғида у тез ўзик мушуклар, итлар, најаса тошлар каби ёкимиззараларга “нишон” бўлган. Энг ёмони, шунчак чиранган бўлса-да, етарлича овоз тўплай олмай мағлубиятга учраган...

### ОНЛАЙН РЎЙХАТГА ОЛИШ ТИЗИМИ

Франция ва Швециядаги одамлар сайлов кунидан олдин рўйхатдан ўтиш учун вақт ажратиш ҳақида ташвишларни шарт эмас. Чунки ҳукумат сайловчilarни сайлов ҳукукига эга бўлган заҳотиёб, автоматик равишда рўйхатга олади. Жумладан, Францияда бу жараён ўшлар 18 ёшга тўлиши билан соҳири бўллади. Швециядаги эса овоз бериси ҳукукига эга одамлар рўйхатини шакллантиришида солик реестрларига таянилади.

### БУ ЙИЛ НЕЧТА ФАЗОГИР ҚАТНАШАДИ?

Бугунги кунда сайловлар нафақат ерда, балки осмону фалакда ҳам ўтказилётганидан хабарнинг бордир. 1997 йилдан бўён космонавтлар ҳам масофадан туриб сайловларда фаол иштирок этишиб келишишада.

Маълумот учун, ҳозирги пайтда космосда 20 аёл ва 28 эркакдан иборат 48 фаол астронавт фазоларни юритиб келишишада. Бир вақтнинг ўзида фаол фазоларнинг энг кўпчилик сони 2000 йилда 149 тани ташкил этган...

### ҚИРОЛ ҲАМ ҚАТНАША ОЛАДИМИ?

Буюк Британия қироли Чарлз III агар истаса, мамлакатдаги сайловларда қатнашиши мумкин. Бирлашган қиролликда буни тақиқловчи қонун йўқ. Аммо унинг онаси – мархум қиролича Елизавета II имкон қадар оммага кўрин-маслик учун сайловларда қатнашмаган.

2016 йилда Буюк Британияда Брехит бўйича бахсли референдум чоғида Букингем саройи вакии журналистларга: “...Қиролича ҳар қандай сиёсатдан устун” деб таъкидлаган. Сайловни эса, “қиролик оиласи рози бўлмаган конвенция” деб ётироф этган.

Интернет манбалари асосида Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлари.

# БИЗ ФАҚАТ НАТИЖАГА ИШЛАЙМИЗ!

САЙЛОВ-2024

Тадбиркорлар ва ишбилирмоянлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилоятини кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ушбу кенгашининг конференцияси чиқириш, 2024 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ва ҳалқ депутатлари мажаллий кенгашларига бўлиб ўтдагандаги сайловида фаол иштирокини таъминлаш, тадбирлар календарь-режасини тасдиқлаш, худудий ва туман (шахар) сайловларни штабларини тузиш ҳамда фаолиятини йўлга кўйиш каби масалалар мухокама қилинди.

Халқ иродасини ифодаловчи сайловлар бутун жамоатчиликнинг дикъат назаридаги турлиби. Қолаверса, бу йил мам-

лакатимиз парламентига сайловлар илк маротаба арапаш тизимда ўтказилиди. Бунда муваффакиятга эришиш учун партия мослашувчан, кўнъиралари ва стратегик ёндашувни кўллаши керак. Мазкур тизим сиёсий кучнинг бой таҳжисинигина эмас, балки ҳалқ орасида тутган обрў ва мавқенини ҳам синовдан ўтказади.

– Кенгашимиз таркибида ўз сафларига 125 465 нафар

маслакдошимизни бирлаштирган 1 216 та бошланғич партия ташкилотлари фаолиятни олиб бормоқда, – дейди Сиёсий тавлиим ва депутатлик гурӯхлари билан ишлаш бўлими мудири Холбек Асатов. Бу жуда катта куч. Ўйлайманки, жиззахлик маслакдошларимиз ҳам бўлди ўтдагандаги сайловларда муваффакиятни иштирок этиш учун барча имконияту таҳжисларини белгиланган мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришга қаратишади. Чунки биз учун “Ваъда эмас – натижага, эртага эмас – бутгун”, деган мақсад ўтга муҳим.

Инглишида сайловга тубдан янгича ёндашиши кўзда тутган стратегия доирасида вакиллар халқнинг ичига янада фаолроқ кириш, уйма-уй юриш, партия ғояларини етказиш, таклиф-мулоҳазаларни олиш жоизигига таъкидланди. Сайловлар штабини ташкил этиш, унга фаоллар билан бир каторда тарғибот йўналишида етук билимга эга мутахассисларни жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, партия туман (шахар) бўлимларининг конференцияларини ўтказиш бўйича топшириклар берилди.

O'zLiDeP Жиззах вилоятини кенгашининг матбуот хизмати



### “ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ”

O'zLiDeP Хатирчи туман кенгашини Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ўзаро ҳамкорликда ташкил этган даварда сұхбати ана шундай номланди.

Унда партия фахрийлари, Парахун ва Чинобод маҳаллаларининг уюшмаган ўшлари, 20 ва 33-мактаб ўкувчилари иштирок этди. Тадбир аввалида нуронийлар ёшларга ҳаётий таҳжисларидан сабоклар берилди, тўғри йўлдан оғишмай,

саволларини бериб, жўяли жавоблар олиши.

Айниқса, спорт мусобақасида ёшлар дўстостона беллашиши. Голибларга партиянынг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Турсун ТЕШАЕВ, Хатирчи тумани Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ходими, O'zLiDeP фахрийи



# ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ДИЁРДА!

Диёра Келдиёрова “Париж-2024” Олимпиадасида ўзбек спортининг чинакам маликасига айланди. Ҳали бунақаси бўлмаган эди: у қўлга киритган олтин медаль Ўзбекистоннинг 2024 йилги Ўйинлар колекциясида илк медали бўлди. У мамлакат тарихида Олимпиадада дзюдо бўйича олтин медаль олган биринчи спортиг бўлди. У ёғи Олимпия Ўйинларида олтин медалга эришган биринчи ўзбекистонлик аёл бўлди. Бир келса, кўша-кўшия келади, деганлари шумикан...

Диёра Келдиёрова ғалабадан сўнг фикрлари билан ўртоқлашар экан, унинг олтин медали юртимизда аёл спортичларга катта йўл очишига ишонч билдири. Ўзбекистондаги аёллар ҳаётини ўзгаришиш унинг ҳаёти мазмуни эканини тавдидлади.

- Бу соврин нафакат менинг, балки барча аёл спортичларнинг медали. Биламан, бу медали Ўзбекистонда аёлларга жуда ҳам катта йўл очади. Бу учун ўз ҳиссамини қўшганимдан жуда ҳам хурсандман, - деди у.

Президент Шавкат Мирзиёев чемпион билан телефон орқали мулоқот қилди. “Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихида ёзги Олимпия Ўйинларида аёллар ўртасида биринчи марта чемпион бўлган

## ОЛТИНДАН ҚИММАТ ОЛТИН САБОҚ

“Париж-2024” фаворити, амалдаги Олимпия чемпиони, тўрт карга жаҳон чемпиони, беш йилдан бери кураги ерга тегмаган Ута Абэ ва Диёра Келдиёрова беллашувини мутахассислар “финал олдидан финал” деб баҳолаган эди. Воқеалар ривожи мутахассислар янгишмаганини кўрсатди. Ушбу матч факат дзюдо турнирининг эмас, бутун Олимпиаданинг энг эсда қоларли ҳодисаларидан бўлуди.

24 ёшли япон спортчиси мағлубиятдан кейин бор овозини кўйиб йиғлаб юборди, уни ҳеч ким юпата олмади. Кейинроқ “Kyodo”

ли мағлубиятдан сўнг ўкириб йиғлагани ижтимоий тармоқларда кент муҳокама қилинди. Ортиқча хис-ҳаяхонга берилган муҳлислар нималар дейишмади, кўявевинг! Ушбу вазиятда Диёра Келдиёрова Instagramдаги шахсий саҳифасида олтиндан ҳам қиммат фикрларни ёзиб қолдирди. У юртдошларимиздан рақиби Ута Абэга ҳурмат сақлашни сўради: “Барча муҳлислардан, ким бўлишидан катъи назар, ҳаммага чукур ҳурматда бўлишингизни сўраб қоламан. Бу, албатта, спорт, бу – бизни бирлаштирувчи куч! Биз дзюдо оиласимиз. Илтимос, тўхтатинг. Менимча, дзюдонинг инсонларга ўргатадиган энг муҳим жиҳати бу – ҳурматидир”, деб ёзди у.



## ЧЕМПИОНЛИКНИНГ УЗИН ЙУЛИ

Келдиёрова Диёра Бахтиёр кизи 1998 йили 13 июль куни Самарқанд вилояти Пастдарғом туумани Жума шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорти. Икки карга Осиё ўйинлари чемпиони, ёзги Осиё ўйинлари чемпиони, уч карга Жаҳон чемпиони советдори. Мана, энди “Париж-2024” Олимпиадасида дзюдо спорт турниринг 52 кг вазн тоғифасида олтин медаль соҳибаси.

“Токио-2020”да ака-сингил Абэлар бир кунда олтин медалларни олиб тарихга кирганди. Улар бу йилги Олимпия Ўйинларида ҳам ўша натижани тақрорлаши максад қилганди. Ҳифуми ёраклар ўртасидаги дзюдо бўйича 66 килограммагача бўлган вазн тоғифасида финалда бразилиялик Виллиян Лимани мағлуб этди ва ғалабасини синглисига бағишилади.

Енгилмас Ута Абэнинг алам-

нашрига берган интервюсида Диёра Келдиёрова ажойиб техникани намойиш этганини ётироф қилди: “Мен жавоб беришга ултурмай, саросимага тушдим”, деди Ута Абэ.

Келдиёрова Диёра Бахтиёр кизи 1998 йили 13 июль куни Самарқанд вилояти Пастдарғом туумани Жума шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорти. Икки карга Осиё ўйинлари чемпиони, ёзги Осиё ўйинлари чемпиони, уч карга Жаҳон чемпиони советдори. Мана, энди “Париж-2024” Олимпиадасида дзюдо спорт турниринг 52 кг вазн тоғифасида олтин медаль соҳибаси.

Диёрани болалигига ота-онаси балетга беришмоқчи бўлган, ам-

мо бувиси туфайли дзюдога кириб келган. 6 ёшидан мураббий Хуршида Холиковна қўл остида шугуллана бошлаган. 2010 йили илк маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлган. 2013 йили Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинган...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Диёра Келдиёрованинг муваффакиятларига давлатимиз томонидан ҳам муносаби рағбатлантириб келинмоқда. У Зулғия номидаги Давлат мукофоти (2016), “Келаҷак бунёдкори” медали (2021), лейтенант ҳарбий унвони (2022) ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорти” фахрий унвони билан тақдирланган.

## “МЕН КЎРМАГАННИ ЭЛ КЎРАДИ”

Олимпиада чемпиони Диёра Келдиёрованинг муваффакиятларидаги устоз-мураббийлари қанчалик муҳим ўрин тутса, бувисининг ҳам меҳнату хизматларини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис у ҳар бир ғалабасидан сўнг раҳматли катта энасини ёдга олади. Бу ҳақда онаси Дилором Шарипова “Маърифат” газетасига берган интервюсида шундай дейди:

- Диёра туғилганида жуда нимжон эди. Данакча, деб ёркаратардик. Яхши эслайман, б 6 ёшида 1-сингфа чиққанида сумасини базур кўттарар, мактабгача деярли судраб борарди. Салгина шамол тегса акса уриб қолар, иммунитети жуда паст эди. Раҳматли кайнанам бунга чидаб туролмади. Қўлидан етаклаб спорт мактабига олиб борди... Бувиси дзюдога қатнан бошлаганидан кизимзинг кулоғига кўйиб келгап: “Худо ҳоҳласа, жаҳон чемпиони бўласан, юртимиз байроғини баланд кўтарасан! Мен бунга ишонаман”.

Мусобақаларга ўзи олиб борарди. Болам билан бирга юришдан ҳеч чарчамасди. Ҳа, айтгандай, ёшлигига ўзи ҳам бир майдон кураш тушган экан. Одамлар гап қилган. Бирда айтиб қолувди. Энди гап-сўзлар ҳеч тугамас экан-да. Қизларим спорт билан шуғулланаб, катта-киник давраларда кураш тушиб бошлагач, айрим кўни-кўшинилар, маҳалладошлар ҳам гапириган: қиз болага кураш тушни яршамайди, деб. Бугун эса ҳаммаси Диёрага ҳавас билан қарашмоқда. Қизларини спорт тўғарагига олиб бораётгандарни хақида ҳам эшидик.

2014 йили Диёра Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ёшлилар иккича Осиё ўйинларидан бронза медаль билан қайнанома ҳаёт эди. “Қизим, ҳали бундан ҳам катта мусобақаларда фуolib чиқасан, ишонаман. Мен кўрмаганин эл кўради”, дер эди раҳматли. Мана, бугун қайнаноминг айтганлари рӯёбга чиқди...

Ишонамизки, Диёра Келдиёрова раҳматли бувисининг орзуларини рўёбга чиқаришда, ишончини оқлашда ҳали давом этади. Бу исм-фамилияни жаҳон спорти мухлислари ҳали кўп тилга олади ва ўзбекнинг асрлон кизи кўрсатган мардимайдонларни ҳеч қаён унутмайди.

Карим ЗАРИФ

## ОРТГА ЭМАС, ФАҚАТ ОЛДИНГА!

“Партияга ишга келганимдан бўён Дилшод ака билан маслаҳатлашувиз биронга муҳим партиявий масала ҳал қилинганини эсломайман. Бу инсоннинг етакчи сиёсий куч саналган O’zLiDeRning ҳар жиҳатдан юксалишида катта хизмати сингтан ва ҳозир ҳам ёнимизда энг жонкуяр сафдошимиз”.



Ушбу самимий ётирофони O’zLiDeR раҳбари Актам Хайтов айтганида қараслар янгради. Ва яна қанча ҳамкасларимиз юбилляр шаънгида ўз дил сўзларини изҳор этишиди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроя кўмитаси расисининг сиёсий-мағфуравий ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича ўринбосари Дилшод Шоумаров хақида соатлаб гапириш мүмкун. Унинг бетакрор инсоний фазилатлари, қасабадошлари, қатъи позицияси ва яна қатор ибратли амалларини санаб адогига етолмайдиз.

Таъвидлаш ўринлики, қаҳрамонимиз шу партия тузилганидан бери сафимизда, сиёсий кўнғояни амалга оширишдек машқатларни вазифани сидқидилдан адоида этишида ҳаммамизга намуна.

Д. Шоумаров сиёсий кучнинг дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиши юзасидан аниқ режалар, партийн лойхасида қарашларни ташкил кечирдилар. Шоумаров сиёсий кучнинг таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда. Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси саҳнада ҳамкорликнинг самаралари булишида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Партия фаолиятининг асосий ўйналишларидан бирни – жаҳоатчилик, максад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиши юзасидан аниқ режалар, партийн лойхасида қарашларни ташкил кечирдилар. Шоумаров сиёсий кучнинг таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда. Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда. Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда.

Д. Шоумаровнинг ташаббуси, ғоявий-мағфуравий, кўйлаб-куватлашса туфайли “Депутатлар ва тадбиркорлар мулокоти форуми”, “O’zLiDeR прес-клуби” ва бошقا йирик лойхалар ҳаётга татбиқ этишини көнчигина ҳам борадиган. Шоумаров сиёсий кучнинг таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда. Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси таъмомланишига катта хисса кўшиб келмокда.

Маслақодомши, тиниб-тинимас қадрдан ҳамкасларимиз ўзининг кутлуг өлтмиш ёшини партиядошлари даврасидан нишонлаётгандан барои осмонда ёки ўзининг яширмади. Шунда орамиздан кимдир ярим ҳазил, ярим чин маънода “Дилшод Шавкатович, оптимиш дегани энди ортга эмас, факат олдинганинг ташкилларни таъмомланишига яхшилтирилган бир қанча тақлифлар киритди. Сайловчилар хоҳиш-истагидан келиб

Бехзод ИСРОИЛОВ